

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Холматов Санжарбек Хожимамамович, Андижон
қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти
докторанти; тел.+99891 1913091; kholmatov1976@list.ru

Аннотация. Мақолада “барқарор ривожланиш”, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш тушунчаларининг моҳияти очиқ берилган. Андижон вилояти қишлоқ хўжалигининг ҳозирги ҳолати, соҳага киритилган инвестициялар кўриб чиқилган. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: барқарор ривожланиш; қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш омиллари; Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги; рационал истеъмол меъёри; асосий капиталга инвестициялар; инвестиция лойиҳалари; “яшил” облигациялар; “ақли” қишлоқ хўжалиги.

IMPROVING THE USE OF INVESTMENTS IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE IN ANDIJAN REGION

Kholmatov Sanzharbek Khozhimamatovich, doctoral
student of the Andijan Institute of Agriculture and
Agrotechnologies; tel.+998911913091;
kholmatov1976@list.ru

Abstract. The article reveals the essence of the concepts of “sustainable development” and “sustainable development of agriculture”. The current state of agriculture in the Andijan region, investments in fixed capital of the industry are considered. Proposals for sustainable development of agriculture are given.

Keywords: sustainable development; factors for sustainable development of agriculture; agriculture of Andijan region; rational consumption rate; investments in fixed assets; investment projects; “green” bonds; “smart” agriculture.

“Ҳар бир инвестор, Ўзбекистон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажакка ишончни тасаввур қилишига интилаяпмиз” (Ш.М.Мирзиёев).

Изланишларимиз кўрсатишича, “барқарор ривожланиш” деганда “Бирлашган миллатлар ташкилоти”, халқаро ташкилотлар, ғарбнинг олимлари асосан иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларнинг уйғунлашувини назарда тутса, “Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги” давлатлари олимлари қарашларида асосан “барқарорлик” сўзининг устунлиги кўзга ташланмоқда, яъни, кескин пасайишларсиз, бир текисда, барқарор ўсиб бориш маъноларида. Назаримизда, “барқарор ривожланиш” бу – мураккаб тизимнинг шундай ривожланиш тури-ки, бунда инновацион инвестицияларни киритиш асосида, “яшил” иқтисодиёт асосида, ички ва ташқи омиллар таъсирида унинг мақсадли йўналтирилган ўзгаришига эришилади ва минимал оғишда, минимал сарф-харажатлар билан, инсониятнинг hozirgi ва келгуси авлодларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда маълум сифатли маҳсулот яратилиши таъминланади.

Барқарор қишлоқ хўжалиги бу — қишлоқ хўжалигини барқарор тарзда юритиш, бунда озиқ-овқат ва текстил маҳсулотларига бўлган жамиятнинг бугунги кундаги эҳтиёжлари қондирилади ва hozirgi ёки бўлғуси авлодларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятлари хавф остига олинмайди[1]. “Бирлашган миллатлар ташкилоти”нинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” (FAO) “қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш” тушунчаси остида барқарор усул билан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва озиқ-овқат ҳафсизлигини таъминлашни тушунади. Бир гуруҳ польшалик олимларнинг фикрича, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш мақсадлари қуйидагилар: қишлоқ хўжалиги ходимларининг юқори турмуш даражасини таъминлаш; атроф-муҳит учун ифлосланиш ва бошқа хавфлар келтириб чиқармайдиган ишлаб чиқариш усулларига эришиш; иложи борича, максимал равишда, қайта тикланувчи ресурслардан фойдаланиш; қишлоқ социумини ва анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш; чорвачиликнинг этик жиҳатларини ҳисобга олиш.

Фикримизча, мамлакат қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлаш тўрт гуруҳ омиллар, жумладан, экологик-иқтисодий, ижтимоий-

иктисодий, ташкилий-технологик, ижтимоий-экологик-иктисодий омилларнинг комплекс таъсири натижасидир. Мана шу омиллар гурухлари ичидаги тўртинчи гурух омиллар, яъни ижтимоий-экологик-иктисодий (инвестициявий ресурслар, қишлоқ хуудларининг ривожланганлик даражаси, хууддаги экологик вазият) омиллари орасидан инвестициявий ресурслар омилини қуйида кўриб чиқамиз. Дастлаб вилоят қишлоқ хўжалигидаги ҳолатга назар ташлаймиз.

Андижон вилояти хуудди майдони 430 минг гектардан иборат, ундан 208,8 минг гектар майдонни (ёки 48,6 фоизи) қишлоқ хўжалиги экинлари эгаллайди. Ушбу қишлоқ хўжалиги экинлари, барча тоифадаги хўжаликлар бўйича, 2021 йили қуйидаги таркибга эга бўлган: 41,3% (ёки 86,2 минг гектар) дон экинлари, 37,3% (78,0 минг гектар) техник экинлар (шу жумладан, 36,5% ёки 76,3 минг гектар - ғўза экини), 15,4% (ёки 32,1 минг гектар) картошка ва сабзавот-полиз экинлари, 6,0% (ёки 12,6 минг гектар) озуқа экинлари. Кўришимиз мумкин-ки, собиқ Иттифоқ пайтидан фарқли ўлароқ, бугунги кунда пахта яккахокимлигига бархам берилган.

Вилоятнинг республика иқтисодиётидаги ўрни қандай? 2021 йил бўйича нисбий кўрсаткичларга назар ташласак, Андижон вилоятининг майдони республика майдонининг 1 фоизини, доимий аҳолиси республика кўрсаткичининг 9,2 фоизини (3253,5 минг киши), иқтисодиётда банд бўлган кишилар сони республика кўрсаткичининг 9,3 фоизини (1264,3 минг киши), Ялпи хуудий махсулоти республика Ялпи ички махсулотининг 6 фоизини (43790,8 млрд. сўм) ташкил қилади. Аҳоли зичлиги бўйича эса Андижон вилояти кўрсаткичи Тошкент шаҳри кўрсаткичидан кейинги 2-ўринни банд этмоқда. Андижон вилоятининг қишлоқ хўжалиги махсулотини етиштириш хажми республика кўрсаткичининг 10 фоизини (ёки 30413,0 млрд.сўмни) ташкил қилган, бу - республика бўйича Самарқанд вилоятидан (12,7%) кейинги иккинчи юқори кўрсаткич. Лекин аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги махсулотини етиштириш кўрсаткичи бўйича Андижон вилояти республикада фақатгина 8-ўринда (Бухоро, Жиззах, Навоий вилоятлари кучли учталикда). Вилоятда етиштирилган жами қишлоқ хўжалиги махсулотининг 61,7



фоизи дехқончилик, 38,3 фоизи чорвачилик махсулотларига тўғри келади, яъни Андижон вилояти дехқончилик махсулотларини етиштиришга ихтисослашган.

Бугунги кунда вилоятнинг агросаноат мажмуида, турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, шахсий томорқа хўжаликларида 322,8 минг киши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан машғул. Бу кўрсаткич Қашқадарё вилоятида 325,8 минг киши, Сирдарё вилоятида 136,6 минг кишини ташкил қилади. Андижон вилояти республикадаги энг йирик сабзавотлар, мева ва резаворлар етиштирувчи ҳудуд ҳисобланади. 2021 йилда Андижон вилояти сабзавотлар ва мева-резаворлар етиштириш бўйича (мос равишда 1676,4 ва 664,0 минг тонна) республикада 1-ўринда, картошка етиштириш бўйича 2-ўринда (405,1 минг тонна), пахта хом-ашёсини етиштириш бўйича 4-ўринда (279,7 минг тонна), полиз экинларини етиштириш бўйича 4-ўринда (201,4 минг тонна) турган.

Аҳоли жон бошига ҳисобланганда эса Андижон вилояти сабзавотлар ва мева-резаворлар етиштириш бўйича (мос равишда 515,3 кг ва 204,1 кг) республикада 1-ўринда, картошка бўйича (124,5 кг) 3-ўринда, буғдой ва полиз экинлари етиштириш бўйича (мос равишда 159,7 кг ва 61,9 кг) 9-ўринда, пахта хом-ашёси етиштириш бўйича (86 кг) 10-ўринда.

Вилоят иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади, 2021 йили қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 322,8 минг киши иш билан банд бўлган (ёки вилоятдаги жами ишловчиларнинг 25,5 фоизи). 2021 йили ялпи ҳудудий махсулот таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи ҳиссасига 43,3 фоиз, саноат тармоқларига 26,5 фоиз, хизматлар соҳасига 30,2 фоиз тўғри келган. Солиштириш учун, Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткичлар мос равишда 41,4; 24,2; 34,4 фоиз; Сирдарё вилоятида мос равишда 39,6; 32,4; 28 фоиз. Андижон вилоятида ялпи ҳудудий махсулот таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоқлари ҳиссаси камайиб бормоқда (2010 йилги 45,6 фоиздан 2022 йилги 41,3 гача), саноат тармоқлари улуши эса ўсиб бормоқда (2010 йилги 21,5 фоиздан 2022



йилги 29 фоизгача), хизматлар тармоқлари улуши бироз камайган (2010 йилги 32,9 фоиздан 2022 йилги 29,7 фоизгача). 2022 йили республикамиз бўйича бу кўрсаткичлар мос равишда 29,6; 31,9 ва 38,5 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда ЯИМда қишлоқ хўжалигининг улуши: Албанияда 20,3%, Қозоғистонда 5,3%, Қирғизистонда 15,3%, Озарбайжонда 6,2%, Арманистонда 12,5 %, Молдовада 12,3%, Венгрияда 4%, Грецияда 4,4%, Германияда 0,9%, Нидерландияда 1,7 фоизни ташкил қилган. Кўриниб турибди-ки, ривожланган мамлакатларда бошқа тармоқлар ривожланиши ҳисобига қишлоқ хўжалигининг улуши камайиб борган.

Андижон вилоятида аҳоли жон бошига асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши таҳлил этилганда истеъмолнинг рационал истеъмол меъёрларига мослигини кўрсак, нон маҳсулотлари ва мевалар —рационал овқатланиш меъёри атрофида, сабзавот ва полиз, сут, ўсимлик ёғи, шакар, кондитер маҳсулотлари бўйича истеъмол шифокорлар тавсиясидан юқори, картошка, гўшт маҳсулотлари ва тухум маҳсулоти бўйича истеъмол шифокорлар тавсия қилган меъёрдан паст эканлигини кўришимиз мумкин. “Рационал истеъмол меъёри” кўрсаткичи Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёшига, жинсига ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормативлари” бўйича 1-гуруҳ касб эгалари меъёрларидан (яъни, кичикроқ кўрсаткичлар гуруҳи) олинди (сабаби, вилоятда 18 ёшгача ва 70 ёшдан ошганлар улуши 2021 йилда вилоят аҳолисининг 40 фоизини ташкил қилган). Демак, биздан соғлом ва баркамол авлод қолиши учун келажакда ушбу гўшт маҳсулотлари ва тухум таклифини кўпайтиришимиз мақсадга мувофиқ.

Мамлакат иқтисодиётининг реал сектор тармоқлари бўйича инвестициялар таркибининг 2015-2022 йиллар ҳолатини таҳлил қилсак, қишлоқ хўжалиги соҳасига жалб этилган инвестициялар 2015 йилда 4,4%ни ташкил қилган бўлса, 2022 йилга келиб бу кўрсаткич ўсган, яъни 7,4%ни ташкил этган. Энг кўп улушга саноат соҳаси



эгалитини кўришимиз мумкин, 2015 йилда бу соҳанинг улуши 32,6% ташкил қилган бўлса, 2022 йилда бу улуш 36,3%гача ўсган.

Республикада 2022 йилдаги жами асосий капиталга хорижий инвестициялар ва кредитларнинг 112219,5 млрд.сўмлик ҳажмининг иқтисодий фаолият турлари бўйича сарфланишига эътибор қаратсак, энг кўп ҳажмлар қайта ишловчи саноат - 42,5%, электр ва газ таъминоти – 14,1%, қазиб олувчи саноат – 9,8% ва бошқа тармоқларда – 10,7% кузатилган. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг улуши 6,8% ёки 7612,2 млрд. сўм бўлган, бу баланд кўрсаткич эмас.

Андижон вилоятида 2022 йилда асосий капиталга инвестициялар ҳажми 14758,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич - республика бўйича 8-юқори кўрсаткичдир. Биринчи учталикда Тошкент шаҳри (57977 млрд.сўм) ва вилояти, Самарқанд вилояти жойлашган. Бунинг сабаби – юқорида қайд этилган йирик инвестициявий лойиҳалар айнан шу ҳудудларга тўғри келади. Энг кам инвестициялар ҳажми эса Хоразм вилоятида қайд этилган - 8806,6 млрд.сўм. Андижон вилоятидаги инвестиция манбаларига эътибор қаратсак, энг кўп инвестициялар хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

2022 йилда асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига ҳажми ва ўсиш суръатларига келсак, Тошкент шаҳри (19500,1 минг сўм), Навоий (18566,2 минг сўм), Сирдарё (14167,1 минг сўм) вилоятларида асосий капиталга инвестицияларнинг аҳоли жон бошига ҳажми кўрсаткичи энг юқори, Фарғона (3911,4 минг сўм), Сурхондарё (4146,8 минг сўм), Андижон (4488,5 минг сўм) вилояти кўрсаткичлари эса, аксинча, энг паст даражада[2]. Бунинг сабаблари, назаримизда, - Тошкент шаҳрида асосий капиталга инвестицияларнинг абсолют ҳажми юқорилигида (57977 млрд. сўм), Навоий, Сирдарё вилоятларида аҳоли сонининг нисбатан озлигида, Андижон, Фарғона вилоятларида аҳоли сонининг нисбатан кўплигида.



Андижон вилоятида 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигида ишга туширилган инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилсак, ушбу даврда жами 3 трлн. 282 млрд. 716 млн. сўмлик 775 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилган ва бу орқали қўшимча 14798 та қўшимча ишчи ўринлари яратилган. Шу жумладан, молиялаштириш манбалари бўйича - ўз маблағлари ҳисобидан 1802509 млн.сўмлик, банк кредитлари ҳисобидан 889534 млн. сўмлик, хорижий кредитлар ва инвестициялар ҳисобидан 58200 млн. сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилган. Амалга оширилган лойиҳалар сони бўйича Улуғнор, Балиқчи, Қўрғонтепа туманлари илғор бўлса (жамига нисбатан мос ҳолда 15,1%; 8,4%; 8,1%), лойиҳаларнинг жами қиймати бўйича Улуғнор, Асака, Қўрғонтепа туманлари илғорлар сафида (жамига нисбатан мос ҳолда 16,5; 10,1%; 9,5%). Лойиҳаларнинг жами қиймати бўйича туманлар орасида Хўжабод, Андижон, Булоқбоши туманлари орқада (жамига нисбатан мос ҳолда 2,8%; 2,8%; 3,7%). Янги ишчи ўринларини яратиш бўйича эса Улуғнор, Асака, Балиқчи туманлари пешқадам (мос ҳолда 2883, 2352, 1144 янги ишчи ўрни). Кўришиб турибди-ки, охириги йилларда Улуғнор туманида вилоят кўрсаткичларига ижобий таъсир қилган катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилган.

Шунингдек, ушбу инвестицияларнинг манбаларига назар ташласак, ўз маблағлари ҳисобидан энг кўп инвестициялар Улуғнор, Шахрихон, Бўстон, Асака туманларида амалга оширилган. Хорижий кредит ва инвестициялар ҳисобидан энг кўп инвестициялар эса Қўрғонтепа, Пахтаобод, Улуғнор, Олтинкўл туманларида амалга оширилган. Хорижий манбалар ичида хорижий кредитлар 81,9%ни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 18,1%ни ташкил этган ҳолос.

Андижон вилоятида 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалигида ишга туширилган инвестиция лойиҳаларини йиллар кесимида таҳлил қилсак, қиймати жихатидан энг кўп инвестициялар 2020, 2019 ва 2021 йилларда амалга оширилган (мос ҳолда 1282928 млн. сўм, 971685 млн. сўм ва 825603 млн.сўм). Эътиборли жихати шу-ки, 2020 йил - сайёрамизда пандемия авж олиб, аксарият мамлакатларда иқтисодий фаоллик пасайган йил бўлган. Шунингдек, инвестициявий лойиҳалар сони жихатидан

Энг кўп инвестициялар ҳам 2020, 2019 ва 2021 йилларда амалга оширилган (мос холда 298, 231 ва 130 та лойиха).

Андижон вилоятида 2017-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзлаштирилган инвестициялар йўналишларини таҳлил қилсак, кўрамиз-ки, энг йирик (30 млрд. сўмдан юқори) инвестициявий лойихалар асосан: пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш; уруғлик чигитни кимёвий усулда туксизлантириб, дорилаб, қайта ишлашни ташкил этиш; гидропоника усулида иссиқхона ташкил этиш; паррандачиликни ривожлантириш, қорамолчилик, қўйхона ва қушхона ташкил этиш; мева-сабзавот кластерини ташкил этиш; интенсив усулда балиқчиликни ташкил этиш; чорвачиликни ташкил этиш йўналишларида ўзлаштирилган.

Ушбу даврда вилоятда энг катта ҳажмдаги инвестициялар чорвачилик йўналишида (776309 млн. сўм ёки жамига нисбатан 23,6%), пахта кластери (672865 млн. сўм ёки жамига нисбатан 20,5%), паррандачилик (459055 млн. сўм ёки жамига нисбатан 14%), балиқчиликни ривожлантириш (425940 млн. сўм ёки жамига нисбатан 13%), иссиқхона (361953 млн. сўм ёки жамига нисбатан 11%) йўналишларида амалга оширилган.

Лойихалар сони бўйича пешқадамлик чорвачилик, балиқчиликни ривожлантириш ва паррандачилик йўналишларида – мос холда 266, 135 ва 105 та лойиха. Энг кўп янги ишчи ўринлари паррандачилик (3213 нафар), чорвачилик (3177 нафар) ва пахта кластери (2488) йўналишларида яратилган.

Хулоса ва таклифлар.

Андижон вилояти қишлоқ хўжалигида охириги йилларда экин майдонлари, ишчи кучи сони камайган бўлса-да, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми ортган. Бунга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари диверсификацияси ҳисобига эришилган, яъни бозорбоп маҳсулотларни етиштириш кўпайган. 1 гектар экин майдонига тўғри келадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти барқарор ўсиб бориб, 2017



йили 72,9 млн. сўмни, 2020 йили 131,1 млн.сўмни, 2022 йили 182 млн. сўмни ташкил қилган.

Вилоятда биздан соғлом ва баркамол авлод қолиши учун келажакда истеъмоли рационал истеъмол меъёрларидан ортда қолаётган гўшт махсулотлари ва парранда тухуми таклифини кўпайтиришимиз мақсадга мувофиқ.

Ахборот мавжуд бўлмаган жойга капитал киритишда хорижий инвесторнинг қизиқишини уйғотиш қийин. Шу нуқтаи назардан, ҳудудларнинг инвестиция салоҳияти, мавжуд имкониятлари ва бошқа барча инвесторни қизиқтирган маълумотлар мажмуасини инвестиция порталига жойлаб ва янгилаб бориш ташкил этилиши лозим.

Ҳар бир ҳудуднинг инвестиция салоҳиятини акс эттирадиган тайёр инвестиция таклифлари рўйхати ишлаб чиқилиши ва хорижий инвесторларга тавсиявий тарзда тақдим этилиши мақсадга мувофиқдир. Бу хорижий инвесторнинг ишини енгиллатиш билан бирга, инвестиция лойиҳаларини амалга киритиш муддатларини ҳам қисқартиради.

“Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигини инвестициявий ривожлантириш қонуни”ни қабул қилиш лозим. Чунки, республикада айнан қишлоқ хўжалигига инвестиция жалб этиш ва уни рағбатлантиришнинг қонуний асослари бозор иқтисодиёти талаблари даражасида такомиллашмаган. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида инвестиция фаолиятини тартибга солиш айрим қонунларда акс этган бўлсада, бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалигида инвестициявий мухитни яхшилаш ва инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнининг бошқа соҳаларга нисбатан турли ташки ва ички субъектив омиллар таъсирида тез талафот кўриши, қутилмаган (форс-мажор вазиятлар) ходисаларнинг содир бўлишини олдиндан билишнинг қийинлиги, суғурталанувчи субъектларнинг бошқа соҳалар субъектларидан фарқ



қилиши каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги учун суғурта тизими тўғрисида алоҳида қонунни ҳам қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш услубларидан бири суқук дея аталувчи Ислом облигациялари бўлиб, олинган заём қайтарилишининг кафолати сифатида кўчмас мулкдан фойдаланишни кўзда тутди. Фикримизча, қонунчиликка шундай ўзгартириш киритиш лозим-ки, олинган заём қайтарилишининг кафолати сифатида ўз тасарруфидаги, узоқ муддатга ижарага олинган кўчмас мулкдан фойдаланиш мумкин бўлсин.

Қишлоқ хўжалигидаги структуравий ўзгаришларнинг муқобил ва самарали йўллари изланиб, унга мувофиқ жаҳон бозорида қимматбаҳо бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва экспорт қилиш ҳамда вилоят бўйича сувни кам талаб қилувчи каннабис (лотинча *Cannabis*) экинининг техник навларини беда, соя экинларига нисбатан кенг жорий қилиш лозим.

"Республика бўйича канализация тизими ва сув тармоқларини тубдан реконструкция қилиш ва такомиллаштириш дастури" тузишни фавқулодда вазият тақозо қилади. Назаримизда, дастур тузишдан аввал республика бўйича канализация ва сув тизимидаги барча муаммоларни хатловдан ўтказиш керак.

Кўпгина хорижий экспертларнинг фикри мамлакатнинг "яшил ривожланиши" сув инқирозидан чиқиш йўли бўлишини кўрсатди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг "яшил" йўли иш унумдорлиги, бандлик ва даромадлиликни ошириб, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашни назарда тутди.

Назаримизда, жойларда кичик табиий кўллар (рус. пруд)ни имкон бор масканларга барпо этиш ҳам камбағалликни қисқартиришга, қишлоқ хўжалигини, балиқчиликни, ўрмончиликни ривожлантиришга ҳаракат ҳисобланади. Ота-боболаримиз ёмғир ва зах сувлар йўлларига кўллар ҳосил этганлар, атрофида қишлоқлашиб муродларига етганлар.



Озиқ-овқат хавфсизлигининг асоси бўлмиш уруғчилик соҳаси кўшимча молиялаштиришга мухтож. Қачонки мамлакат ўзини яхши, сифатли уруғлар билан таъминлай оладиган даражада бўлса, шунда озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий муаммоси ечилган бўлади. Ҳар бир мамлакат ўзининг уруғчилик тизимига ва сиёсатига эга бўлиши керак.

Чорва хайвонлари учун озуқа муаммосини ҳал қилиш йўли сифатида катта магистрал автомобил йўллардан узоқроқ ер майдонларида газон ўрнига беда (люцерна) экилиши лозим.

Ташкилий-ҳуқуқий шаклини МЧЖга ўзгартирган фермер хўжаликларига эгаллаб турган ерининг бонитетига қараб "мувофиқлаштирилган ер солиғи" (МЕС) жорий қилиниб, айланма маблағлардан ундириладиган барча мажбурий тўловлар ва солиқлардан табақалаштирилган ҳолда имтиёзлар берилиши лозим, бунинг "ақлли" қишлоқ хўжалиги шаклланишида, "яшил" иқтисодий тараққиёт ташкил топишида муҳим таъсири бор. МЕС турига ўтган фермер хўжаликларининг фаолиятига ҳар қандай ташкилот ва муассаса томонидан аралашуш қатъиян таъқиқланиши муҳим. МЕС турига ўтган хўжалик юритувчи субъектларнинг эгаллаб турган ер майдони учун ҳисобланган ер солиғининг 25 фоизини 1-чоракда, 25 фоизини 2-чоракда, 25 фоизини 3-чоракда, 25 фоизини 4-чоракда тўлаш мажбуриятлари юклатилиши лозим. МЕС турига ўтган хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни ўз вақтида тўламаса, ерга эгалик қилиш шартномаси муддатидан аввал бекор қилиниб, тендер асосида бошқа субъектларга ўтказиш тартиби жорий қилиниши керак.

Хитой тажрибасидан келиб чиққан ҳолда саноат корхоналари, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари фойдасининг камида 15%ни қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида инвестиция манбаи сифатида шакллантириш ва фойдаланиш лозим.

Барқарор молиялаштиришнинг умумқабул қилинган халқаро тамойилларини мамлакатда яшил молиялаштириш бозорини шакллантириш амалиётига жорий этиш зарур. Хорижий амалиёт таҳлилига асосан, "яшил" облигациялар ва қарзлар экологик



лойиҳаларни молиялаштиришнинг махсус воситаси ҳисобланиб, ҳам ушбу облигациялар эмитентлари ва инвесторларининг мулкӣ манфаатларини, ҳам жамият ва давлатнинг экологик вазиятни яхшилаш борасидаги қизиқишини қондиришга имкон беради. Унинг айнан давлат томонидан янада кенг қўлланилиши учун эмитентлар ва инвесторларнинг “яшил” облигацияларни чиқариш ва сотиб олишга қизиқишини оширишга хизмат қиладиган бир қатор ҳуқуқий, ташкилий, услубий, ахборот, консультацион, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш чора-тадбирларини қабул қилиш талаб этилади.

Катта маълумотлар (*Big Data*) “ақлли” қишлоқ хўжалигига катта таъсир қилади ва бутун озиқ-овқат маҳсулотлари занжирини қамраб олади; интеллектуал датчиклар ва қурилмалар катта маълумотлар ҳажмларини яратадилар, бу ҳажмлар қарорлар қабул қилишда улкан имкониятларни таъминлайди; катта маълумотлар (*Big Data*) анънавий ва ноанъанавий ўйинчилар ўртасидаги роллар ва муносабатларда жиддий ўзгаришларга олиб келиши кутилмоқда; бошқариш (шу жумладан, маълумотларга эгалик қилиш, махфийлик, хавфсизлик) ва бизнес-моделлар келгуси тадқиқотларда ечиш лозим бўладиган энг асосий масалалар бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Холматов С.Х. Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари. // “Тафаккур манзили”. 52-сон, 1-жилд, 2022 йил июн, 2-қисм. ISSN:2180-2160. 71–83-бетлар.
2. www.stat.uz. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари.